

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
BAZIRЛИГИ  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ RESPUBLIKИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

**халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами**

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,  
2020 йил 20 май**

**УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)**

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

*Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.*

**ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.**

**Таҳрир хайъати:** и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

		босқичларини такомиллаштириш	
22.	Манглиев Б., Юсупова Д.Т.	Инновацион фаолликни ошириш механизмларини такомиллаштириш	107
23.	Мўминов Ж.	Ёғ-мой саноатини модернизациялаш ва инвестициялар жалб этиш самарадорлиги	109
24.	Мўминова Д.Д.	Рақамли иқтисодиётда бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонлари	112
25.	Нурматов Д.Н.	Особенности функционирования промышленных предприятий в условиях цифровой экономики	115
26.	Нуримбетов Р.И., Ҳасанов Т. А.	Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги бошқарувини рақамлаштириш масалалари	118
27.	Пардабаева С.Т.	Корпоратив бошқарув тизимидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	121
28.	Рашидов Ж. Х.	Бошқарув тизимида рақамли технологияларни жорий қилишнинг самарадорлиги	123
29.	Рашидов Ж. Х. Турсунов Ш.И.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш муаммолари	126
30.	Тиллаев И. Ж., Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион лойиҳаларни бошқариш аҳамияти	129
31.	Тиллаев И. Ж., Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш босқичларини такомиллаштириш йўллари	131
32.	Темиров А.А. Махмудов С.Б.	Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари	134
33.	Тўғонов И., Юсупова Д.Т.	Рақобатбардошликнинг иқтисодий моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар	137
34.	Tursunov B.O	Aspects of financial security management of industrial enterprises under conditions of global economic crisis	140
35.	Турсунова З.Р., Йўлдошев Н.Қ.	Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни стратегияси ва тактикаси	145
36.	Umurova M.A., Xodjamuratova G. Y.	Raqamli iqtisodiyotda zamonaviy korxonalarda boshqaruv jarayonini tashkil etishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish istiqbollari	146
37.	Умарходжаева М.Г.,	Факторы, формирующие конкурентные	149

*И.Ж. Тиллаев, магистрант,  
илмий раҳбар – Г.Ю.Ходжамуратова,  
ТДИУ*

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ БОШҚАРИШ АҲАМИЯТИ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишнинг аҳамияти импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилаш ва техник қайта қуrolлантириши билан изоҳланади.

Инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилади, унинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш инвестиция фаолияти юритилишининг зарур инвестиция муҳитини яратишни ва уни тобора қулайлаштириб боришни талаб қилади.

2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард АҚШ долларилек 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир<sup>38</sup>.

Инвестицион лойиҳа келишилган муддатларда аниқ мақсадларга эришиш ҳамда режалаштирилган натижаларни олиш учун аниқ микдордаги ресурсларни (интеллектуал, молиявий, моддий) қўйишни, жойлаштиришни кўзда тутувчи тадбирлардир йиғиндисиدير. Шу билан бирга, инвестиция лойиҳа, ресурслар ва муайян вақт билан чекланади ҳамда қўйилган мақсадга эришишни кўзда тутуди<sup>39</sup>.

Инвестиция лойиҳалари даври концепцияси лойиҳаларни таснифлашни, уларни бошқариш зарурлигини назарда тутуди. Лойиҳаларни бошқариш услубияти «лойиҳа даври концепцияси» ва «лойиҳа таҳлили» кўринишларида кенг тарқалган. Ушбу концепциялар инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда пул оқимларининг вақтли қиймати концепцияси асосида ташкил этилади.

Лойиҳаларнинг кўлами, тузулма, ресурслари, қиймати ва бошқаларга қараб уларни бошқаришнинг махсус усулларига эҳтиёж ортиб боради. Бошқариш аслида қўйилган мақсадларга эришиш вазифасини, лойиҳани

<sup>38</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси)

<sup>39</sup> Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансы и статистика, 2016. - 42 с.

амалга ошириш муаммоларини бартараф қилиш, ҳуқуқлар ва масъулиятларни жамлаш вазифаларини кўзлайди.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш инвестицияларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир<sup>40</sup>.

Инвестиция лойиҳасида белгиланган натижаларга бажариладиган ишлар таркиби, ҳажми, қиймати, сифати ва лойиҳа иштирокчилари манфаатлари таъминланиши бўйича эришиш учун бошқарувнинг замонавий усуллари, техника ва технологиясидан фойдаланиш йўли билан лойиҳа мақсадларига самарали эришишга йўналтирилган лойиҳа даври оралиғида меҳнат, молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш методологиясига инвестицион лойиҳаларни бошқариш дейилади.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш ва унинг сифатини оширишда назоратнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Назоратни фақатгина қорхонага зарар келтирувчи, фаолиятни чекловчи ва ўзини қатъий қоидаларга бўйсунушга мажбурловчи деб тушуниш бошқарув фаолиятининг муҳим жабҳаси - лойиҳадаги мақсадларни амалга оширишни бой беришдир. Назорат шундай жараёнки, бунда лойиҳа раҳбари ундаги қўйилган мақсадлар рўёбга чиқишини таъминлайди, унга тўсиқ бўлувчи сабабларни белгилайди.

Инвестицион лойиҳа бошқаруви бўйича юқори малакали ва тажрибали менежерларга топширилиши лозим. Уларнинг инвестицион лойиҳа стратегияси амалга оширилиши йўллари аниқлаш санъатига, унга эришишда ижодий ёндашув маҳоратига эга бўлиши лойиҳа бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш лойиҳавий тадқиқотлардан бошланади, яъни инвестициялаш бўйича қарорлар қабул қилиш чекланган имкониятлар билан боғлиқ ва шунинг учун чекланган ресурслардан фойдаланишнинг кўплаб муқобил вариантларидан энг самаралисини танлашни талаб қилади. Бунда инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг марказий майдонини лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш эгаллайди.

Инвестицион лойиҳаларини бошқаришни турли тизимлар асосида ҳам амалга ошириш мумкин ва уни қуйидаги вариантларда ифодалаш мумкин:

1. “Асосий” тизим. Бунда лойиҳа раҳбари (менежери) буюртмачининг вакили (агенти) ҳисобланади ва у қабул қилинадиган қарорлар учун молиявий жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Лойиҳа менежери бўлиб, профессионал бошқариш учун лицензияга эга бўлган ҳар қандай лойиҳа иштирокчилари – юридик ёки жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда лойиҳа менежери буюртмачидан ташқари лойиҳанинг бошқа иштирокчилари билан шартнома муносабатлари асосида фаолият юритиши мумкин эмас ва лойиҳанинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши устидан бошқариш ва

---

<sup>40</sup> Узоқов А., Носиров Э, Саидов Р., Султанов М. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2016. 27- б.

мувофиқлаштириб боришни таъминлаши зарур. Мазкур тизимнинг афзаллиги – лойиҳа менежерининг объективлиги бўлса, камчилиги лойиҳа натижалари учун жавобгарлик тўлиқлигича буюртмачи зиммасига юклатилишидадир.

2. “Кенгайтирилган бошқариш” тизими. Мазкур тизимда лойиҳа раҳбари (менежери) қатъий, чекланган (смета) баҳо доирасида лойиҳа учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3. Лойиҳа менежери лойиҳа буюртмачиси ва иштирокчилари ўртасидаги битим бўйича лойиҳадаги жараёнларни бошқариш ва мувофиқлаштириб боришни таъминлайди. Бунда ҳам “асосий тизим”даги сингари ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс профессионал бошқариш лицензиясига эга бўлган ва буюртмачи олдида ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беришга қодир бўлган лойиҳа иштирокчиси лойиҳа менежери бўлиши мумкин.

4. “Калити билан” тизими. Бунда буюртмачи билан лойиҳанинг эълон қилинган қиймати бўйича “калити билан” топшириш шартномасини тузувчи лойиҳа-қурилиш корхонаси лойиҳа раҳбари (менежери) ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд этиш жоизки, инвестицион лойиҳаларни бошқаришни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳа даврнинг инвестиция олди фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш;

- лойиҳа даврнинг инвестиция фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш ҳамда лойиҳа даврнинг эксплуатация фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш.

Самарали инвестицион лойиҳаларини ўзлаштириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифаларни ҳал этишга муваффақ бўламиз. Унинг амалга оширилиши биргина қўшимча фаолият ва ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишини таъминлаб қолмасдан, балки жамият ҳаётининг ҳақиқий даражасини кўрсатиб берувчи аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ва давлат бойлигининг кўпайишига ҳамда унинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади.

*И.Ж. Тиллаев, магистрант,  
Илмий раҳбар – Г.Ю.Ходжамуратова,  
ТДИУ*

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилади, унинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш инвестиция фаолияти юритилишининг зарур инвестиция муҳитини яратишни ва уни тобора қулайлаштириб боришни талаб қилади.